

Жаноза!

08:10 / 29.05.2020 1966

Ассалому алайкум! Мени бошқа диндаги эр-хотин танишларим бор эди. Хотини оламдан ўтибди. Уйига бориб таъзия билдирсам бўладими? Ёки қандай йўл тутай?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Таъзия билдириш жоиз. Уни билдиришда эҳтиёт бўлиш керак. "Аллоҳ раҳмат қилсин, жойини жаннатда қилсин" деган мусулмонларга айтиладиган сўзларни айтмаслик керак. Аксинча "Ўз суйганлари билан бирга қилсин, сизларга Аллоҳ ҳидоят берсин" дейиш керак. Валлоҳу аълам!